



CHIRCHIQTONGI

**Toshkent viloyati
Chirchiq shahar
hokimligining
ijtimoiy-siyosiy gazetasi**
2025-yil, 14-noyabr JUMA
45-son (10292)

**18-noyabr –
O‘zbekiston
Respublikasi
Davlat
bayrog‘i
qabul
qilingan
kun**

6

ТИББИЁТ ВА ФАРМАЦЕВТИКА СОҲАСИДА ЯНГИ БОСҚИЧ:

**Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент
давлат тиббиёт университетида тиббиёт ва
фармацевтика ходимлари билан учрашди**

Жорий йилнинг 10 ноябрь куни Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент давлат тиббиёт университетида тиббиёт ва фармацевтика ходимлари билан учрашув ўтказди. Учрашув аввалида, давлатимиз раҳбари мазкур соҳа вакиллари Тиббиёт ва фармацевтика ходимлари куни билан самимий табриклади ҳамда уларга давлат мукофотларини топширди.

Президентимиз ўз сўзида халқ саломатлиги йўлида сидқидилдан хизмат қилаётган шифокорлар, ҳамширалар ва тиббиёт соҳаси мутахассисларига чуқур миннатдорлик билдириб:

— Замонавий тиббиётни фармацевтикасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун бу байрамни эндиликда «Тиббиёт ва фармацевтика ходимлари куни» сифатида нишонласак, сизлар бундан мамнун бўласизлар, деб ўйлайман. Бу эътироф барчангизга янги куч, илҳом ва масъулият бахш этади, — деди.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз тиббиёт тизимига 230 триллион сўм, жумладан, жорий йилнинг ўзида 45 триллион сўм йўналтирилди. Бу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан 6 баравар кўпдир. Натижада, республикаимиз бўйлаб 187 та янги поликлиника ва шифохона фойдаланишга топширилди, 1 244 та тиббиёт муассасаси реконструкция қилинди ва замонавий жиҳозлар билан таъминланди.

Бугунги кунда юзлаб юқори технологияли даволаш усуллари ва диагностика хизматлар нафақат пойтахтда, балки вилоят ва туман марказларида ҳам амалга оширилмоқда.



МУНОСАБАТ

2

МЕҲНАТЛАРИНГИЗ ЭЪТИРОФГА ЛОЙИҚ!



Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон касабаяушмалари ҳаракатининг 120 йиллиги муносабати билан соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони кўра, мамлакатимизда касабаяушмалари тизимини илғор

халқаро тажрибалар асосида ривожлантириш ва янги босқичга кўтариш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги кўп йиллик самарали хизмати, соҳада ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, ишчи-ходимларнинг меҳнат қонунчилигига доир ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилган устувор вазифа ва дастурлар ижросини таъминлашга қўшаётган муносиб ҳиссаси, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш йўлидаги ибратли фаолияти ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун Ўзбекистон касабаяушмалари Федерациясининг Тошкент вилояти Кенгаши раиси Файзиёва Сайёра Мавляновна «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан мукофотланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат

Мирзиёевнинг «Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони мувофиқ, тиббиёт соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, инсон саломатлигини асраш йўлидаги фидойилиги ҳамда юқори малакаси учун Чирчиқ шаҳридаги «Дилчеҳра» хусусий клиникаси раҳбари Имомбердиева Ражаббунва Бийжановна II даражали «Саломатлик» ордени билан тақдирланди.

Мукофотланганларни самимий табриқлаймиз!



«ЯШИЛ МАКОН»:

БИР КЎЧАТ – БИР ҲАЁТ!

Бўёдорлик



Юртимизда амалга оширилаётган «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доимий равишда табиатни асраш, аҳолининг экологик онгини юксалтириш, шаҳар ва қишлоқларни янада обод ва кўркам қилишга хизмат қилмоқда. Мазкур эзгу ташаббус доирасида Чирчиқ шаҳрида ҳам кўчат екиш ишлари кўтаринки руҳда старт олди.

2

ОБУНА

Азиз ҳамшаҳарлар,
ҳурматли обуначилар,
шаҳримизда фаолият
юритаётган таъкилот
раҳбарлари!

«Чирчиқ тонги» газетаси

таҳририяти 2026 йил
учун обуна мавсумининг
давом этаётганини эълон
қилади.

Мурожаат учун телефон:
71-71-536-40, 71-71-500-14
Нашр индекси: 64694



					Бола (лулеча)		Оғриниш хисси					Ўлка, юрт		Журъат, шижоат	
Эркин Воҳидов шеъри	Тонишмоқ, сир-синоят		Интернетга уловчи қурилма	Шимолий ... (Арктида)			...чулқаш		Тайёрғар-лик машғулот	... қўяман деб қўз чиқарма					
	Беҳудла, бефойда				Пардоз ашёси, «пудра»							Заифа (синоним)		Ибтидоий давр	
			Ҳисобли ... айрилмас	Ошин миллати			Юрт, диёр		Орол давлат, Европа	Бир хил исмли					
	Инсоннинг фикрлаш аъёси				Бирлашган Араб Амирлик-ла- ри (аббр.)		«Хайрат ул-...» (достон)			Қорин ...нинг қорин оч билан иши йўқ		Кема сртўласи		Тоза, хақиқий	
	Қурорт шаҳар, Ҳиндистон	Теварак, тегра	Истироҳат бағи				Қўшиқ «лавҳа»си	Қарам, тобе							
			Аллоҳ, худо		Машҳур чўққи, Греция				Танбал, дангаса	«... ёғди майда-майда- лаб»			Замонавий урф		
	Қадимий шаҳар, Турк- ман-истон						Қуш «жуно»и			Уйғурча чилдирма					
				Қўшиқдаги юқори парда	Сунъий майсазор				...-аймоқ	Еяв-...					Ўпка-гина
Сода тури	Ўзбек-япон автобуси				СПИД (ўзбекча)	Давлат, Марказий Европа						Қиш улови		«Доктор ...» (лори)	
			Илоҳсиз, чорасиз	Адабий-бади- ий асар тури				Иккинчи сайёра	Қийғиз, тўшамма хили	Шеърят, поэзия					
Рашод ... Гунтескин (адиб)	Китоб муқоваси					Европоид, монголоид, негроид							Маҳачқалма футбол клуби		
				Сувсираган	Адиъ, тепалик			Бутунлай, буткул	Демн ... (актриса)		... Керри (актёр)				
Хабар, дарак	МЧЖ (инглизча)					Сас, товуш	Сўнғак, устухон	Жўжа очувчи макинён							Худо, тангри
					Темир йўл ёғочи				Сариқ аралани ранг	... Қонан Дойль (адиб)	Кесилган ёғоч булаг			Ёғ (синоним)	
	Элат, Волгабўйи		Саллага безак пат				...-Батор (шаҳар)			Суюксиз гўшт, филе					
					Замон, вақт				Номус, андиша					Инглиз бастакори	
	ГЭС, Тожикистон		Тонг, сахар				Севгининг қўзи .. бўлади			Чорёр, халифа	Чўпон чолгуси				

Қадим замонларда Каламуш билан Сичқон бир кулбада иноқ бўлиб яшашар экан. Каламуш доим тўкилиб қолган дон-дунларни инига ташигани ташиган, Сичқон эса дангаса бўлгани учун дугоналари билан ўйнашни хуш кўрар экан. Далаларда буғдойлар фарқ пишган ёз кунларининг бирида Каламуш Сичқонга : – Юр, далада тўкилиб қолган буғдойларни бориб териб келайлик, –дебди. Сичқон бир эснаб олибди-да:



– Бугун дугоналарим билан ўйнаб келмоқчи эдим.Ўзинг бориб келақол, эртага борарман, – деб жавоб берибди. Каламуш бир ўзи тонгда далага кетиб, пишган буғдой бошоқларини йиғиб келибди.
– Кеча келтирган буғдойларимни пўстлогидан ажратиб қўй. Қолган донларни ҳам йиғиб келаман дебди, – эртаси куни эрталаб Сичқонга.
Уйинқароқ Сичқон бир оз ўйнаб олай, кейин ажратарман дебди-ю, эсидан чиқиб кетибди. Кечқурун чарчаб келган Каламуш, бир амаллаб буғдойни бошогидан ажратиб олибди.
– Мен чарчаб қолдим. Жуда бўлмаса донни тегирмонга олиб бориб, янчиб келарсан, ҳадеб ўйнаб юрмай, менга ҳам қарашиб юбор, бу ишинг яхши эмас, – деб Сичқондан хафа бўлибди.


Сичқоннинг эринчоқлиги тутиб: – Ўйнаб роса чарчаганман. Кейинги сафар мен борарман, – деганича уйкуга кетибди. Ноилож қолган Каламуш донни елкасига ортиб, тегирмонга жўнабди. Тегирмонда донни майдалатиб, қолга солибди-да, инига олиб келибди. Кеча яқин хамир қориб, ширин кулча пиширибди. Унинг ҳиди ён- атрофни тутиб кетибди. Кулбасидан таралаётган хиддан хабар топган Сичқонча югуриб келибди.
– Вой, бунча яхши бўлмаса бу хид. Кулчангдан менга ҳам бер. Таъмини татиб кўрай, жуда ширинга ўхшайди деган экан, Каламуш :
– Йўқ кулчани энди фақат мен ейман, сен эса ўйнашда давом эт, – деб инидан чиқариб юборибди. Унинг бу қилмиши Сичқончага роса алам қилибди. Шундан сўнг уларнинг дўстлиги барҳам топиб, алоҳида яшай бошлашибди. Ҳар иккиси ўз кунини ўзи кўрадиган бўлибди.

Дилноза Шавкат қизи

РАҚАМЛИ ИЗ

ЎҚИТИШДА ТАҲЛИЛ ВА БАҲОЛАШНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Бугун рақамли технологиялар ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасига чуқур кириб бормоқда. Таълим соҳаси ҳам бундан мустасно эмас. Эндиликда, ҳар бир талаба ўзининг ўқиш жараёнида рақамли из қолдиради – яъни электрон платформаларда бажарган топшириқлари, дарсларга кириш вақти, тест натижалари, онлайн фаоллиги каби маълумотлар тизимда сақланиб боради.



Бу маълумотлар оддий рақамлар эмас. Улар тўғри таҳлил қилинса, ўқитувчи учун талабанинг ўқув фаолиятини чуқур ўрганиш, камчиликларини аниқлаш ва индивидуал ёндашув асосида баҳолаш имконини яратлади.

Сунъий интеллект технологиялари бу жараёни янги босқичга олиб чиқмоқда. Масалан, ахборот технологиялари тизимлари талабанинг ўқишга бўлган фаоллигини, мавзуларни ўзлаштириш даражасини, дарсларга қатнашиш тезлигини ва топшириқларни бажариш сифатини автоматик тарзда таҳлил қилади. Натижада, ўқитувчи энди фақат баҳо қўювчи эмас, балки таҳлилий таҳлилчи ва йўналтирувчи мураббий ролида чиқади.

Бу янгилик талаба учун ҳам катта имкониятдир. Сунъий интеллект ёрдамида

унга шахсий ўқув дастури тузилади, ўзлаштиришдаги қийинчиликлар аниқланади ва ривожланиш йўналишлари бўйича тавсиялар берилади.

Шу билан бирга, рақамли изларни таҳлил қилиш жараёнида ахборот хавфсизлиги ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш масалалари муҳим ўрин тутди. Ҳар бир талабанинг шахсий маълумотлари махфий сақланиши, уларнинг фақат таълимий мақсадларда фойдаланилиши шарт. Бугунги кунда рақамли излар таҳлили орқали таълим жараёни янада шаффоф, самарали ва адолатли қилиш мумкин. Бу тизим ўқитувчи учун ҳам, талаба учун ҳам янги имкониятлар эшигини очди. Шубҳасиз, рақамли изларни ўрганиш – бу келажак таълимнинг муҳим йўналишларидан биридир. Чирчиқ давлат педагогика университети каби илғор ўқув даргоҳларида бу борадаги илмий изланишлар натижада ўқитиш ва баҳолаш тизими янада такомиллашиб, замонавий таълимнинг янги даврига йўл очади.

Равшанбек СУЛТОНОВ,
Чирчиқ давлат педагогика университети катта ўқитувчиси

Куни кеча Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида Бутунжаҳон Жанг Санъатлари Иттифоқи (WoMAU) делегацияси тантанали тарзда кутиб олинди. Мазкур ташриф ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессиясида иштирок этиш мақсадида юртимизда бўлиб турган WoMAU Бош котиби ҳамда бош котиб ўринбосарининг университет раҳбарияти билан учрашуви доирасида амалга оширилди.

Учрашув давомида аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, миллий ва умуминсоний қадриятларни тарғиб этиш, ҳамда яккакураш спорт турла-



ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

рини оммалаштириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Томонлар ўзаро фикр алмашар экан, келгуси йилда Жанг санъатлари бўйича Осиё чемпионатини айнан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида ўтказиш таклифини илгари сурдилар.

Учрашув якунида эса икки томонлама ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Ушбу ҳужжат WoMAU ва университет ўртасидаги алоқаларни янги босқичга олиб чиқиш, қўшма лойиҳалар орқали халқлар ўртасида дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ташриф давомида меҳмонлар университетнинг замонавий спорт иншоотлари, ўқув-лаборатория мажмуалари ва моддий-техник базаси билан танишдилар. Шундан сўнг, яккакураш спорт турлари йўналишида таҳсил олаётган талабалар томонидан тайёрланган “Жанг санъатлари” фестивали намойиш этилди.

Таъкидлаш жоизки, Бутунжаҳон Жанг Санъатлари Иттифоқи (WoMAU) 2002 йил 2 октябрда ташкил этилган бўлиб, ҳозирда 47 мамлакатдаги 50 дан орტიқ федерацияларни бирлаштирган йирик халқаро ташки-

лот ҳисобланади. Мазкур ташкилот жанг санъатларини тинчлик, адолат ва инсоний қадриятларни тарғиб этувчи маданий мерос сифатида ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилган.

2009 йилда WoMAU ЮНЕСКОнинг расмий ҳамкори, 2010 йилда эса Номоддий маданий меросни асраш бўйича Ҳукуматлараро қўмитанинг маслаҳатчи нодавлат ташкилоти мақомини олган. 2011 йилда Корея ҳукумати билан ҳамкорликда ташкил этилган Халқаро Жанг Санъатлари Маркази (ИСМ) ЮНЕСКОнинг 2-тоифа институти сифатида фаолият юритмоқда.

Бугунги кунда WoMAU ЮНЕСКО билан ҳамкорликда анъанавий жанг санъатларини асраш, уларни жаҳон миқёсида тарғиб этиш ҳамда маданий алмашинувни кучайтириш йўлида самарали фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида ўтган ушбу учрашув нафақат спорт соҳасидаги халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш, балки мамлакатимизнинг халқаро майдондаги ижобий имижини янада ошириш йўлида муҳим аҳамият касб этади. Бу каби ташрифлар келгусида спорт дипломатияси, таълим ва маданият йўналишида янги истиқболларни очиши шубҳасиз.

Иброҳим САРИМСОҚОВ